



- \* Хоразм сабоғи. У ҳар бир ёшдан Ватан учун фидойи бўлишни талаб этади
- \* “Истеъфо”даги совчилар келин олгач нега айнишди?
- \* Одам қорнидаги илон ўлмай қолиши мумкин экан
- \* Ўзбек автомобилларига, эҳтиёт қисм ҳам етарли.



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 3 апрель Шанба. № 25 (144216)

## МДҲ: ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

Москва. 2 апрел. /ЎзА махсус мухбири Шухрат Умиров хабар қилади/. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 1 апрел куни МДҲ давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Москвага келди. «Внуково-2» аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Россия Федерацияси ҳукумати раисининг уринбосари Геннадий Кулик, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш.Шоисломов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

2 апрел куни Кремлда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ҳамдўстлик ва халқаро доирадаги долзарб муаммолар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Сунгра давлат раҳбарлари ва уларга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегация аъзолари иштирокида ялпи мажлис бўлиб ўтди. Унда МДҲ фаолиятини Ҳамдўстликка аъзо бўлган барча давлатлар манфати нуқтаи назаридан такомиллаштириш, Ҳамдўстлик шартномавий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш, тузилма органлари тизимларини такомиллаштириш, хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ялпи мажлисда Россия Федерацияси Президентининг Россия Федерацияси кенгашидаги вакили бўлиб ишлаб келган Юрий Яров МДҲ ижрочи котиби этиб тайинлангани маълум қилинди.

Ялпи мажлис ниҳоясида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда 1994 йил 15 апрелдаги эркин савдо зонаси яратиш тўғрисидаги Битимга узгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Протокол, МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Декларацияси, МДҲ органларида раислик тартиби тўғрисида, МДҲ органлари тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш тўғрисида, Ҳамдўстлик давлат раҳбарлари Кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари Кенгаши ўртасида ваколатларни тақсимлаш тўғрисидаги, шунингдек, МДҲга аъзо давлатларнинг жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш Концепцияси ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Шу билан МДҲ давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги саммити ниҳоясига етди.

2 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Москвадан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Пацев ҳам бор эди.

ЎзА



**ИШОНЧ ҚАРВОНЛАРИ**

ЎзА суратлари

## ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Республикамиз Президентини Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи ватандошларимиз томонидан қизғин ўқиб-ўрганилмоқда.

Куйида тахририятимизга келган шу мазмундаги хатларнинг айримлари билан танишасиз.

Президентимизнинг Хоразм вилоятида сўзлаган нутқини тинглаб эканман, ўзининг жаҳон цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссаси билан мўътабар масканга айланган қолган бу юртнинг бугунги эгалари — айрим ҳокимлар ва турли даражадаги раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, бепарволиги ҳақида эшитиб ранжидим.

Бугун биз буюк келажак остонасида турибмиз. Ватанимиз равнақи, фарзандларимиз бахт-саодати ҳар биримизнинг, айниқса раҳбарлик лавозимида ўтирган кишиларнинг маънавий етуқлигига, билимига, фидойилигига боғлиқ. Бирор юмушга қўл уришдан аввал қандай тупроқни босиб юрганлигимизни, кимларнинг авлоди эканлигимизни, қандай улуг мақсадларни кўзлаганимизни ўйлашимиз ва шунга яраша ҳаракат қилишимиз лозим эмасми?

Ахир ўйлаб кўринг, қанчадан-қанча муаммолар ўз ечимини кутиб турганда хорижнинг машинасини миниб ҳақида бош қотирган ҳокимни ёки жиноятчилик тобора ошиб бораётган бир вақтда гиёҳванд модда сотиш билан овора милиционерни қандай қилиб Ферузининг, Огаҳийнинг ёки Жалолидин Мангубердиннинг авлоди дейиш мумкин?..

Хоразм деганда ҳар бир киши хаёлида дастлаб Калтаминор гадаланади. Назаримда виқор ташлаб турган бу обиданинг пойдеворини қўйган, уни олис-олислардан кўзга ташланадиган қилиб тиклаган боболаримиз ишини ниҳоясига етказишни ва келажак авлодни бахтли, Ватанни нурафшон этишни бизга ишониб топширгандек...

**Фарҳод НАЗАРОВ,**  
“Камолот” жамғармаси  
Навоий вилояти бўлими раиси

Хоразм вилояти кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқида Президентимиз ёшлар тарбияси, уларнинг келажаги ҳусусида доимо қайғурётганлигини яна бир бор исботлади.

Биз Президентимизнинг бу юксак ғамхўрлиги ва ишончига муносиб бўлишимиз зарур. Агар биз ёшлар кундан кунга билимларимизни ошириб бораверсак, миллатимиз, халқимиз, Вата-

нимиз равнақи йўлида ғайрат кўрсатиб астойдил ҳаракат қилсак, иншооллоҳ Ўзбекистон номини кўкларга кўтарадиган авлод бўлиб етишамиз.

**Сардорхон УМАРОВ,**  
Тошкент давлат шарқшунослик  
институтини 2-курс толиби

\* \* \*

Мен телевидение орқали Президентимизнинг Хоразм вилоятида сўзлаган нутқини эшитиб, тўғриси ёқа ушладим. Чунки, Юртбошимиз Самарқанд ва Навоий вилоятлари фаоллари йиғилишларида сўзлаган нутқларидан буён ҳали кўп вақт ўтгани йўқ-ку?!

Хоразмда бўлиб ўтган воқеалар, йўл қўйилган камчиликлар бизни ҳушёрликка, ўз ишимизга масъулият билан ёндошишга даъват этади. Нутқни тинглаб эканман, ёшлар тарбиясига ҳар биримиз масъулият билан ёндошишимиз зарур экан, деган фикрга келдим.

**Шоҳидаҳон ИМИНОВА,**  
Андижон вилояти,  
Хўжабод шаҳри

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён Юртбошимиз ўзининг ҳар бир нутқида, асарларида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хоразмда бўлиб ўтган сессияда сўзланган нутқ ҳам бундан мустасно эмас.

“Ёшлар — бамисоли нав-ниҳол, — дейди Президент. — Агар уларни тўғри ўстириб, парваришлаб вояга етказмасак, иймонсиз, ватанфуруш, ғаламис кимсалар уларни йўлдан оздиради. Бу кимсаларнинг кимлигини, уларнинг гаразли мақсадларини ёшларга, бутун халқимизга тушунтириш раҳбарларнинг, фаолларнинг, кенг жамоатчиликнинг, қолаверса, ўзини мустақил Ўзбекистон фуқароси деб ҳисоблайдиган ҳар бир кишининг вазифаси, бурчи эмасми?”

Дарҳақиқат, “Бир болага етти маҳалла ота-она” дейди халқимиз. Биз фарзандларимизни қандай тарбиялаймиз, вояга етказаямиз? Улар қалбидан Ватан ишқи, миллат қайғуси ўрин олаётими? Шу каби саволларга жавоб бермасдан туриб, буюк келажакимизни ярата олмаймиз. Бу эса ҳар бир ота-онани, фуқародан катта масъулият талаб этади.

**У. ОДИЛОВ,**  
Чилонзор туманидаги  
1-Қатортол маҳалла  
фуқаролар йиғини котиби

### Умид қалдирғочлари

Ўзбекистон ёшларининг орзу-умидлари йўлбошимчи ташаббуси билан таъсис этилган “Умид” жамғармаси орқали рўёбга чиқмоқда. Газетамизда илгари хабар берилганидек, яқинда мазкур жамғарма йўлбошимчи билан Японияга жўнаб кетган бир гуруҳ талабалар баҳорги таътил пайтида Ватанимизга қайтиб келишди. Уларнинг юз-кўзларидан қувончли ҳаяжон, юрт соғинчи ҳамда ўз эли олдидики масъулият ҳиссини англаб олиш мушкул эмас.

**Самар САИДҚОСИМОВ:**

— Жаҳоннинг энг тараққий этган давлатлари олий ўқув юртида ўқишни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз. Биз бир ярим йил мобайнида Япониянинг Токио шаҳридаги Тил марказида ўқидик. Япон тилидан хабардор бўлсак-да, ушбу марказда билимларимизни янада чуқурлаштирдик. Бир вақтнинг ўзида университетта ўқишга кириш учун ҳам тайёрландим ва “Чуо” университетининг иқтисодиёт факультетида қабул қилиндим. Албатта бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Иккита давлат имтиҳони — япон тилидан билимларимизни синовдан ўтказиш билан бирга умумий билимлар бўйича тест топшириш зарур эди. Олган ижобий натижаларимга кўра ҳужжатларимни университетта топширдим. Шундан кейин яна университетта махсус тест олишаркан. Талабанинг ўқишга кирган ёки қирмагани ушанда маълум бўларкан. Худо хоҳласа, ўқишни тамомлаб олсам, молиявий меҳнат соҳасида меҳнат қилмоқчиман.

**Азиз АЛИЕВ:**

— Мен Тошкент Давлат Шарқшунослик институтини ўқирдим. “Умид” жамғармасининг синовларидан муваффақиятли ўтган, Японияга ўқишга юборилдим. Тил марказида араб, турк, хитой, корейс, бразилиялик ёшлар билан бирга япон тилини янада пухтароқ ўргандик. Мен Япониянинг “Мей ЖИ” университетининг

халқаро ҳуқуқ факультетида ўқишга кирдим. Насиб этса, бакалавриятни тутатиб, менга берилган юксак ишонччи оқлаш ниятидаман.

**Раъно ШОМАХМУДОВА:**

— Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг япон филологияси факультетида ўқиганман. Чет тилларни ўрганишга жудаям қизиқаман. Мақтанаяпти демангу, лекин бу ерда ўқиб юрган кезларимда Япония парламентининг стипендиясига сазовор бўлгандим.

Кувончимнинг чеки йўқ. Бонси, энди шу мамлакатнинг “Аояма Гакуин” университетининг талабаси бўлдим. 1997 йилда ўқишга жўнаб кетган бўлсак, бир ярим йил ота-онамиздан, азиз Ватанимиздан йироқда фақат соғинч туйғуси билан яшадик, устига-устак ўқишимиз оғир. Лекин бизга у ерда жуда яхши шароит яратиб берилган. Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси вакиллари доим аҳволимиздан хабар олиб туришади, ёрдам беришади.

Миллий кийимларимни Японияга олиб кетгандим. Хорижлик дугоналаримга уларни кўрсатдим. Ўзбекистон ҳақида гапириб бердим. Рост уларнинг бизга жуда ҳаваси келди. Кейин мен чет эллик ёшлар билан Ўзбекистонлик йигит-қизларни кўп солиштирдим. Улар кўпроқ бир фанга қизиқишаркану, бошқа фанлар билан ишлари бўлмас экан. Ўзбек ёшларининг дунёқароши, тафаккур доирасининг кенглигидан улар ҳайратта тушишди.

Дарҳақиқат, Раънонинг гапларида жон бор. Ўзбекистон ёшларининг иқтидори, билимга чанқоқлиги, ўзига хос тафаккури, ахлоқи хорижлик профессор, ўқитувчиларнинг эътирофига сабаб бўлмоқда. Ана шундай ҳамюртларнинг борлигидан беихтиёр фахрланиб кетасан киши.

**Назкат УСМОНОВА,**  
“Туркистон” мухбири

### Абадият

Пойтахт марказида бунёд этилаётган “Хотира майдони”га етиб борганимда кеч соат еттилар чамаси эди. Анча қоронғу тушиб қолган бўлса-да, иш қизғин. Моҳир усталарнинг қўлидан чиққан нақшинкор айвон, хотира руҳига мос зиналар электр нурию мангу олов ёдусида мусаввирнинг тугалланмаган асари каби сирли жилваланади.

Айвон пойига бежирим шаклда гишт тираётган ёш йигитга яқинлашаман:

-- Хорманг, уста!

-- Саломат бўлинг, — дейди йигит ва кулиб қўшиб кўяди: —

да майдонга Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов келди, ишнинг бориши билан танишди, усталар билан кенгашиб, тегишли кўрсатмалар берди.

Ҳа, бугун Хотира майдони қурилиши ҳаммининг диққат марказида. Президентимизнинг қисқа вақт давомида бу ерга бир неча марта ташриф буюргани; усталар иши билан танишиб, йўл-йўриқ, маслаҳатлар бераётгани ҳам бежиз эмас. Ушанда Йўлбошимиз майдон

## ХОТИРА УЙФОНСА ГЎЗАЛДИР РЕПОРТАЖ

Биз ҳозирча устамас, шогирд.

-- Шундай “объект”да ишлаётган сўнг уста деса ҳам бўлаверди-да...

-- Бу ерда устозим ишлаётгани, таклиф қилиб қолди. Савоб ишга қўлимиз тегсин, деб келавердим.

Ҳамсуҳбатимнинг исми Худойберган, нуқуслик бўлиб, бир неча йилдан буён гишт териш билан шуғулланар, ўз ишини санъатнинг бир тури деб баҳоларкан.

Қурилиш жараёни билан танишар эканмиз, бу ерда чиндан ҳам ҳақиқий “санъаткор” усталар ишлаётганининг гувоҳи бўлдик. Масалан, гишт теришни Саидязам Носиров Саидбурҳон Саиднуриддинов, Абдусаттор Абдувахобов каби ёш шогирдлари билан бажараяпти. Биз юқорида мақтаган нақшинкор кошчиларни эса машҳур “Усто” ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўқонлик вакиллари бунёд этишган. Хотира майдонининг асосий қисми -- мотамсаро Она ҳайкали ва Иккинчи жаҳон уруши қурбонларининг исми-шарифлари ёзилган мемориал ёдгорлик тошларини тайёрлаш Ислом Ибрагимов раҳбарлигидаги “Ҳайқалтарош” таҳриба корхонаси зиммасига юклатилган.

-- Тўқсон биринчи йилдан буён тинимсиз улкан бунёдкорлик ишларида иштирок этиб келаямиз, — дейди бу ерда сайқаллаш ишларини бажарётган Тошкент давлат электр станциялари қурилиши бошқармаси бошлиғи Ғайрат Мираҳмедов. — Аввалига ҳайвонот боғини қуришда қатнашдик, кейин “Чорсу” бозори, Олий Мажлис биноси... Мана энди Хотира майдонини бунёд этишдек хайрли ишга ҳам ҳисса қўшиш насиб этган экан. Йигитларимиз бор куч-ғайратини аямай ишляпти.

Кечки соат саккизлар атрофи-

марказида тикланажак Она сиймосига алоҳида эътибор қаратган; ҳайқалтарошга унинг ҳолати, ғам тўла чехраси ҳақида гапирган эди. Бу сўзлар тарихимизнинг ўша дахшатли йилларида халқимиз бошидан кечирган қўрқуликларни бутун вужуди билан ҳис этган инсоннинг фикрлари эди.

Бугун қайси юртдошимиз билан суҳбатлашмайлик, машъум уруш у ёки бу қариндошининг умрига завоқ бўлганлигини алам билан эслайди. Момолар у кунларни ёд олганда кўзлари ёшланади. Ахир шуларда, фронтта кетган эркаклар ўрнини билдирмай саҳардан шомга қадар кетмон чопган, даладан қайтган, ўзиникига қўшиб асраб олган етим фарзандларини ҳам оқ ювиб, оқ тараган, ўзи сарпойчан юриб, узун кечалари нотаъин аскарларга пайпоқ тўқиган. Бутун умр жанггоҳда қолиб кетган эрини, фарзандини кутиб яшаган аёлдан -- Онадан кўра кўпроқ жафо чеккан зот бормикин дунёда.

Хотира майдони... У халқимизнинг ўз ўтмишига -- қирғинбарот муҳорабалару, терроризм қурбонларига ҳурмати ва эътироми тимсолидир. Бу маскан бизнинг бахтли келажакимиз, нурли истиқболимиз йўлида шахид кетганлар руҳи ёд этиладиган муқаддас қадамжоб бўлиб қолади. Бу маскан бизга бугунги бахтиёр кунларимиз қандай қурбонлар эвазига келганлигини, унинг қадрига етишимиз зарурлигини, танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмаслигини, бу борада барчамиз яқдил эканлигимизни эслайтиб туради. Бу маскан кимдир қонли жанггоҳларда қолиб кетган суюкли эрини, қимдир отасини, дўстини, акасини эҳтиром билан хотирлайдиган, руҳи поккига тавоф айлайдиган зиёратгоҳ бўлади...

**Жамолддин ТЎХТАШЕВ,**  
“Туркистон” мухбири

### АЛПОМИШ ЮРТИДА ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

3—4 апрель кунлари Термиз шаҳрида миллий кураш бўйича IV аънаванавий Халқаро мусобақалар бўлиб ўтади.

Унда воҳадан етишиб чиққан Эрали Мамарасулов, Рустам Эргашев, Урол Тураев, Тоштемир Муҳаммадиев, Баҳодир Ҳасанов, Маҳтумқули Маҳмудов, Баҳром Ҳасанов сингари Жаҳон ва Осиё миқёсидаги беллашувлар совриндорлари билан бир қаторда Россия, Голландия, Туркия, Туркменистон, Тожикистон, Литва, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг энг кучли полвонлари даврага тушадилар.

Дарвоқе, бу йил шаҳардаги ҳашаматли “Алпомиш” спорт саройида бўлиб ўтадиган бу мусобақаларни томоша қилиш текин. Турнир голибларини эса «Нексия», «Тико», «Дамас» автомашиналари, туя, от ва бошқа қимматбаҳо совринлар билан тақдирлаш белгиланган.

**Жовли ХУШБОҚОВ,**  
“Туркистон” мухбири

# БИР ИНСОН ЯШАСА ШУНДАЙ ЯШАСИН

-- Шу қутлуг 70 ёшингизда кечаги ва бугунги ёшлар ҳақида нимани кашф эта олдингиз?

-- Биласизларми, олдингилар билан ҳозиргилар ўртасида физиологик, биологик фарқлар кўрмайман. Ўша юз, ўша кўз, ўша қадди-қоматлар. Фақат ҳозирги ёшларимиз билимини дунёга танита олади, ҳаётга муносабати теранроқ. Демакки, кичкинагина вужудларда, бугун ривожланиш бор. Бир файласуф китобида тараққиёт нима, деган савол кўяди. Бугун инсон 5000 йил олдингига қараганда ақллими ёки йўқми? Унинг фикрича сал ақллироқ бўлгандир, лекин иқтидорлими йўқми, бунга хулоса ясалмайди. Бугунги ёшларимизнинг ички ривожланиши, маънавияти, дунёни идрок этиши ўзгарган бўлса, қандайдир силжишлар бор деб айтса бўлади.

Магарки жўшқинлик, янгиликка интилиш бўлмаса, бу фалокат. Жамиятнинг энг ёмон душмани бу -- фонетизм. Яъни, кўр-кўрона иш юрийтиш.

-- Баъзида кекса авлод албатта бугунгилардан нолиб гапиряди: Бизлар бошқа эдик. Ҳозирги ёшлар ялқов, фикрлашмайди, дейишади.

-- Бу гаплар менинг назаримда асоссиз.

Бундан 2000 йил илгари ҳам шундай танқид қилиб нолиган эканлар. Ҳаттоки ўша сўзлар бугунгисига жумла-жумласигача бир-бирига ўхшайди. Бироқ шунга қарамасдан ўша ёшларнинг ичидан ҳам буюк-буюк шахслар етишиб чиққан.

Аслини олиб қараганда ҳар замонда ҳам авлодлар ўртасида зиддият, тўғрироғи тўқнашув бўлади. Ҳеч қачон катталар билан кичиклар бир нарсани бир хил тушунишмайди.

19-20 га тўлган ёшлар, албатта ўзларича ҳаёт кечиришни хошлашади. Уларга, ота-боболарнинг мана шундай яшашган, сен ҳам шундай яша, деб айтиш, қолипга солиб қўйишдек гап.

Кекса авлод билан ёш авлод ўртасидаги тўқнашув собиқ совет даврида йўқ эди дейишади. Лекин бу мулақоқ нотўғри нарса. Зиддиятлар ҳамisha бор бўлган.

Мен "Жаҳон адабиёти"нинг ўтган йилги 4-сонидан бир мақолани таржима қилиб бергандим. Унда ёзилишича, инсон руҳиятига ҳатто буюмларнинг янгилини ҳам таъсир қиларкан. Мисол учун Барби кўгирчоғи. У янги чиққан даврдаги шаклдан, бугун умуман фарқ қилади. 3-4 ёшли қизалоқ ҳам бир йил олдингисини эмас, янги, замонавийни танлайди. Ҳаётдаги ҳамма нарса 11 йилда бир марта янгиланади экан. Масалан: бугун "Газ-21" машинаси билан юрсангиз, ўзингизни галати сезасиз. Демак, инсон янгилик билан ҳисоблашишга мажбур. Бу эса ўз-ўзидан тўқнашувни келтириб чиқаради.

-- Ҳаётда бахтлиман деб яшашнинг формуласи бор деб ўйлайсизми?

-- Албатта, ҳаёт мураккаб. Бу руҳият жиҳатидан қонимизга сингиб кетган. Ҳаётда омадсизликлар бўлади, иш юришмайди. Шуларнинг сабабини негадир доим ташқарига тўнкашади. Менимча, одам ўзининг ҳам бунга айбдорлигим бор деб ҳисоблаши зарур. Агар ҳаммасини бировларнинг елкасига ағдарадиган бўлсак, унда дунёдаги энг аламзада инсон бўлиб ётаверамиз.

Мисол учун бизга 5 та космонавт керак. Беш юз киши танловда иштирок этиди. Демак, улардан 495 таси ортиқча. Бу ерда жамиятнинг айби йўқ, аксинча, айб ўзимизда. Талабни қондира олмадик.

Асли мен бировга насиҳат қилишни ҳам, насиҳат қилган одамни ҳам ёмон

## Таниқли олим, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Озод ШАРАФИДДИНОВ билан суҳбат

кўраман. Лекин, шунга қарамасдан 1-2 та кўйлакни ортиқ йиртган одам сифатида айтаманки, ҳаётда ҳамма амал қилиши шарт бўлган маълум қонуниятлар бор. Масалан, бахтли бўлиш учун бошқаларга ҳам бахт улашиш керак, бошқаларни бахтли қилиш керак.

Бахтга эришишнинг тўғаноғи, душмани эса бу чала мулаллик ҳисобланади. Мана шу иллат инсонни ҳалок қилади. Чала мулла ёзувчининг асарини ўқиб бўлмайди, бундай санъаткорнинг санъати ҳам керакмас. Агар шифокор чала мулла бўлсачи, унга сиз жонингизни ишониб топширмайсиз-ку! Энг ёмони, чала мулла ўқитувчи. Дарсни ўрма-ўраки ўтади, талабани қизиқтирган саволига жавоб бермайди. Кейин, мумкин бўлмаган саволларни талаба берганда, нега бундай савол бердинг, сени ёзиб бераман, деб кўрқитади. Ваҳоланки, талаба бошқа кимдан сўрасин? Ўқитувчи эса ўзи билмайди ва билмоқчи бўлганларга ҳам йўл бермайди. Мана шу чала мулаллик иллатларнинг онаси ҳисобланади.

-- Домла, ўзингизга дарсда шундай кескин саволлар беришганда нима қилардингиз?

-- Бундай пайтларда мен доим бу саволга билганимча жавоб берардим. Агарда билмасам билмайман, дердим. Лекин, нега бунақа савол бердинг, деган пайтим бўлганмас. Ўша даврларда айниқса, Эркин (Воҳидов)ларнинг группаси жуда серсавол эди. Дарс соати қандай ўтиб кетганини билмай қолардик.

-- Дарс ҳақида гапириб қолдингиз. Озод ака, биринчи дарсга кирган пайтингиз қандай бўлган?

-- Адашмасам биринчи дарсга шу Эркинларнинг группасига кирганман. Мавзуга оид тайёрлаб, ёллаб, режалаштириб келган гапларим танаффусдан ярим соатлар аввал тугаб қолган. Янги домламан, талабалар ичидан кўпчилиги ўзим тенгилар. Ҳаммасини кўзи менда, савол борми, десам индашмайди. Шунда утираверинглар бўлмаса, деб вақт тугамасдан олдин чиқиб кетганман.

Кейин-кейин ўрганиб кетдик, дарс вақти бизнинг суҳбат қилишимизга етмай



қоладиган бўлиб қолди.

-- Озод ака, танқидчи сифатида бугунги ёш журналистларимизга берадиган баҳонингиз?

-- Кўл билан санокли журналистларни айтмаганда, аксариятида фикр йўқ. Тонг отди деган жумла ўрнига ярим саҳифа жим жим адо сўзларни ўқийсиз, ваҳоланки бу сўзлардан бир янгилик тополмайсиз. Шу йўқ нарсани улар яна жим жим адо сўзлар билан яширишади. Айрим журналистлар маҳоратни маъносиз сўзлар йиғиндиси деб тушунишади.

Бу йил Президентимиз томонидан Аёллар йили деб айтилди. Лекин шу пайтгача аёлларимиз ундоқ, аёлларимиз бундоқ, улар онамиз, ёрмиз, синглимиз деган сўзлардан нарига ўтилмаяпти.

Бозорда утирган аёллар кимлар, биргина шу нарсани ҳеч ким очиб берганича йўқ. Ундан ташқари аёллар касаллиги, уларга қандай ёрдам ке-

рақ, булар ҳақида ҳам тиш-тирноқли мақола ўқимадим. Биронта жонли гаплар йўқ. Шунинг учун кўпчилик одамлар кундалик матбуотни ўқимай қўйишди. Мен қизиқ бир нарсани бошдан кечирганман. Мақтабни аёло баҳоларга битирганимда мендан билагон одам йўқ дердим. Кейин университетда ўқидим, аспирантурани битирдим, қарасам бир дўппи билимим бор холос. Ҳозир ўйлаб қарасам адабиётни умуман билмас эканман. Айтмоқчиманки, илм чегара билмайди. Шунинг учун одам доимо камолотга интилиб янаши зарур.

Қолаверса, бугунги журналистларимизга Президентимиз катта йўл очиб беряптилар. Улар бугун журъатли бўлишлари керак.

-- Ўзингиз журъатлимисиз?

-- Меңимча, кўнгилда бор гапни тортинмасдан айтиш журъатлилик бўлади. Лекин бу кўпам донолик бўлавермайди. Баъзан шундай ҳолат бўладики, отилиб чиқасиз, кимнидир ҳимоя қиласиз. Шунда журъат пайдо бўлади. Кейин аттанг қилиб юришимиз ҳам мумкин. Шўро даврида Ёзувчилар уюшмасидан "Юқори"га депутатлар сайланаётганди. Махсус тузилган рўйхатдан Миртемир домла тушиб қолган экан. Миртемир домлани ҳам

қўшайлик, деган таклиф киритдим. Узоқ тортишувлардан сўнг, охири бир шоирнинг ўрнига қўйдик. У шоир яхши ижодкор эди-ю, лекин кекса Миртемирчаллик меҳнат қилмаган эди. Кейин билсам ўша шоир Марказкомнинг катталаридан бирининг қариндоши экан. Албатта бу ишим "юқори"дагиларга ёқмаган. Атрофдагилар эса журъатли деб мақташган.

-- Инсон тушқунликка тушиб қийналган пайтда нимага суянса кўпроқ малҳам топади?

-- Китобга. Айнан мен ўзим ҳамма муаммоларимга ечимни китобдан топганман. Қайфиятим бузилса ҳам китоб ўқиганман. Бу катта фойда бўлади.

-- Сиз инсондаги қайси хислатларни қадрлайсиз?

-- Самимиятни яхши кўраман. Сохта одамни жуда ёмон кўраман. Сохта одамни бир гаплашгандаёқ сезиб, гапиргим келмай қолади. Яна ёмон кўрганим ўзида йўқ фазилатларни сотадиганларни, мақтанчоқ, маддоҳларни.

-- Олимлар танилиши мумкин, аммо кўпинча ҳам манхур бўлиб қололмайди-лар. Лекин Сизни барча танийди, бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

-- Билмадим, кўпчиликка гапларим маъқулми, ўзимни тутишим ёқадими. Кўп одамлар ўз соҳаларини замонга мослаб ўзгартирадилар, балки мени бир соҳада қолганимдир...

-- Мабодо қайтадан дунёга келганингизда қандай яшаган бўлардингиз?

-- Билмайман. Ҳар ҳолда Худо қандай яшатиб қолса шундай яшардим. Лекин ҳозирги ақлим билан 20 ёшда бўлсам нима қилишимни ўзим билардим.

-- Озод ака, ўша 20 ёшингизда муҳаббатингиз қандай кечганди?

-- Шоир айтмоқчи, муҳаббат бу эски нарса, лекин ҳар бир юрак уни янгилайди. Кўп ҳаяжонли. Драматик, кутишлар... келмай қолишлар... зардалар -- кейин ҳаммасини қариганда эслаб кулиб юрасиз.

-- Ҳаётингизда бўлиб ўтган мириқиб эслайдиган воқеаларингиз.

-- Бир пайтлари мен, Ўткир Ҳошимов, Умарали Норматов, Субутой ака Далимов Қирғизистоннинг Саричелек деган жойида дам олиб, қайтаётган эдик. Йўл кийимидамиз, соқолларимиз ўсган, 3-4 кун ҳаммом кўрмаганмиз. Янгиерга етиб келиб, айлангани тушдик. 17-18 яшар қиз Ўткирнинг "Одамлар нима дейди" китобини ўқиб ўтирган экан.

-- Синглим, нима қиласиз бу китобни ўқиб. Бу ёмон китоб, дедим.

-- Китобни билмасангиз гапирманг! - деди қиз жаҳланиб.

Мен хурсанд бўлиб Ўткирни чақирдим. У келди.

-- Бу китобни шу ёзган, дедим. Қиз ишбнмади. Унгача Ўткир бориб машинадан паспортини олиб келгунча бир барзанги келиб қолди. Ҳалиги одам бир Ўткирга, бир китобга, бир паспортга қарарди. Охири ишонтирдик. Ўткир хурсанд бўлиб китобга қалам билан бир саҳифа дастхат ёзиб берди. Кечки пайт хурсанд ўтиргандик, Субутой ака келиб:

-- Нимага бунча хурсандсанлар, деб сўради. Воқеани айтиб бердик. Кейин у киши гижимланган бир қоғозни олиб олдимизга ташлади. Қарасак, боғги Ўткирнинг дастхати, кейин билсак ўша пайт Субутой ака бизнинг орқамиздан бориб: -- Икки олимга нима деб кетди? деб сўради. Қиз бўлганини айтибди. Кейин Субутой ака ўшаларнинг гапига ишондингми, ёзувчининг башараси ҳам шунақа бўладими, дебди. Қиз жаҳл билан дастхат ёзилган муқовани йиртиб отиб юборган экан.

-- Озод ака, умуман, бугун нима билан машғулсиз?

-- "Жаҳон адабиёти" журнали одамларга манзур бўлсин деб ҳаракат қилмаман. Қолаверса, таржималар билан шуғулланапман. Бир-иккита нарсалар ёзиш ниятим бор. Адабиётни тушунишни янгилаш ҳақида. Мени ҳафа қилади-ган нарса, бу ҳақида айрим катта-катта олимларимиз ҳам куракда турмайдиган гаплар гапиршмоқда. Адабиётга адабиётлигини қайтариш керак. Унга ёпишган ҳас-ҳашаклардан тозалаш лозим. Адабиётда ҳақиқий асар яратин -- бу мўъжиза.

Зиёда АШУРОВА,  
Хуршид РЎЗИЕВ,  
"Туркистон" мухбирлари



### МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

Зиёда АШУРОВА ва Хуршидбек РЎЗИЕВ ТошДУ журналистика факультетининг I-курс талабалари. Яқинда улар «Туркистон» газетаси мухбири этиб тайинландилар. Жамоамизга қўшилган энг ёш ижодкорларимизни чин юракдан табриқлаб, уларга омад тилаймиз. Тилингиз ширали, қаламингиз бақувват бўлсин.

"Туркистон"чилар

## ВОЛГА СОХИЛИДА

Амир Темурнинг 120 минг кишилик қўшини Волга бўйига чиққач, ҳордиқ олишга киришди. Сафар узоқ ва хатарли бўлгани учун Соҳибқирон лашкарга яхши дам бериш ҳақида амр берди. Тўрт кунлик ҳордиқдан сўнг лашкар сафарга отланди.

Музлаган дарё устидан ўтишда кўп қийинчиликларга дуч келинди. Юзлаб отлар оёқлари синиб, нобуд бўлди. Соҳибқирон муз ўлкаларда бўлмагани учун отларни махсус тақалар билан таъминлаш зарурлигини билмасди. Энди эса икки юз минг тақа ясагининг иложи йўқ. Аввалдан захира қилинган кигизлардан фойдаланиб отлар йўлга солинди. Совуқ эса тобора кучая бошлади. Темур лашкарга тўхташ ва муваққат огиллар қуришни буюрди. Икки кеча-ю икки кундуз тинмай ёққан қордан қўшни кўп азият чекди. "Икки кундан кейин, - деб ёзди Темур, - қор тўхтади. Офтоб чиқди. Лекин унинг ҳарорати йўқ эди. Совуқнинг шиддати шундай ёмон бўлдики, умримда бундай совуқни кўрган ҳам, эшитган ҳам эмас эдим. Совуқнинг зўрлигидан кигиздан ясалган кичик хаймадан ташқарига чиқа олмас эдик. Кун ботиши билан мингларча оч бўрилар атрофимизни ўраб оларди. Улар отларга тегмасин деб кечаси билан ухламай бўри қўриб чиқдик."

## ҒАЛАТИ ХАЙВОНЛАР

Лашкар олдинда қандайдир товушлар эшитилганидан сергак тортиди. Олдинга юборилган аскарлар вазиятдан огоҳ қилишди. Овоз қандайдир шохдор хайвонлар галаси шохларининг бир-бирга урилишидан чиққан. Соҳибқирон уларни Эронда кўрган гавзанларга ўхшатган. Кўришиб турган "гавзан-сугун" суруви шу қадар катта эдики, кун бўйи лашкар йўлини тўсди. Темур буйруғи билан лашкар жуда кўп гавзанларни овлаб, катта миқдордаги гўшт озуқаси ғамлатди. Гавзанларнинг гўштлари ва терилари аскарлар учун жуда асқотди.

Лашкар йўлга тушганда қор бўронига дуч келди. Шу қадар совуқ кучайдики, одам юзига шамол тегса, қизитиб босилган темир каби ачилади. Кўз очиб юмгунча қулоқ-бурунга шамол тегса, қорайиб кетади. Отларнинг оёқларига илашган қорлар қотиб музлаши билан яхмакак ҳосил бўлиб ерга қулайди. Шунда, баъзи отларнинг оёғи синиб туролмай қолади.

## ТУНДАЙ КУНДУЗ

Бухоро мадрасасини битирган маърифатли зобитлардан Абду-

ла Кирмоншоҳ совуқдан жунжикиб Амир Темурга яқинлашди. Қусқи пўстинга ўралган Соҳибқироннинг ҳам анча қийналгани билиниб турарди.

-- Эй Амир! Нима қилмоқчисан ўзи? Шу фалокат музликда юрмоққа нега бизни зўрлайсан? Каерга обормоқчисан ўзи?

Темур музга киприқларини кўтариб бундай дадил гапларни айтаётган кишига қаради. Абдуллани у дадиллиги ва мардлиги учун ҳурмат қиларди. Кўп жанглардаги жасоратларини кўрган. Унинг очиқ ва кўркмай ҳақиқатни айтишини билар, лекин ҳеч қачон ундан газабланмаган. аксинча, унинг бундай фазилатини қадрлаган. Ҳозир ҳам у узини хотиржам тутиб узоққа ишора қилди.

-- Кўраёсанми, ҳов анави қорани?

Узоқда қорайиб турган ўрмонга барчанинг нигоҳи қадалди.

-- Уша ёққа бориб, исинаман, Абдулла!

Жонланган лашкар олға илдамлади. Бу орада осмонни булут қоплай бошлади. Бора-бора булут шундай қорайдики ердаги оппоқ қорлар ҳам кўринмай қолди. Ҳеч қим ҳали бундай қоронгилашган кундузни кўрмаган эди.

Лашкар қорайган ҳаво ичида ўрмонга етиб келди. Осмонга қоранг суртилгандек, ер ҳам, - ўрмон ҳам қоп-қоронгу эди.

## КЎРКУВ

Аскарлар гулхан ёқиб исина бошлади. Чўғлар муваққат огилларга етказилиб, отлар исинишга имкон топишди. Эрта тонгдан яна юриш бошлашга фармон берилди. Қор тинимсиз ёғар, совуқ ҳам тобора кучайиб бормоқда. Пешинга яқин булутлар ортидан қуёш мўралади. Аскарларнинг кўзлари қамашиб кетди. Бир вақт қор устида юзларига қора ниқоб кийиб гилдираксиз арава минган одамлар кўринди. Улар аравасини чана дейишди. Лашкар ҳам уларга ўхшаб юзига қора ниқоб тақди.

Олдинга юборилган хабарчилар отлар йўлда тўхтаб қолаётганлигини билдиришди. Қўшиндаги йўл билувчи отлардаги

# ҚАҲРАТОННИ ЕНГГАН САРКАРДА

Жаҳон фотиҳлигига даъво қилган Наполеон Бонапарт ва Адольф Гитлер ўз мағлубиятларини Россиянинг беаёв қишига ағдарилган. Чиндан ҳам рус киши ва қаҳратони ҳар қандай лашкар учун жиддий синов бўлгани рост. Аммо бу даҳшатли қишга бардош бериб доврғ қозонган Амир Темур эканини барча ҳам биладими?

Соҳибқирон 1391, 1395-1396 йилларда Рус тупроғида бўлган. Қаҳратон қиш синовларини бошидан кечирган. Бу ҳақда кўп ривоятлар бор. Етти икким ҳукмдори ўзининг "Таржи-маи ҳоли"да шунга оид қизиқ ҳикоялар ёзиб қолдирган:



## АМИР ТЕМУРНИНГ БИР МУВАФФАҚИЯТ

доимо эзулик офтоби томон интилганини, ҳар қандай ҳолатда аввало инсон манфаатини ўйлагани сиз учун ҳеч қандай янгилик беролмаслигини ҳам билмасиз. Сиз унинг, яъни Темурбекнинг 9 ёшида "хофиз" унвонига эга бўлганлигини қайта-қайта ўқиган, қайта-қайта эшитгансиз. Нима учун замонасининг энг машҳур кишилари, илм ва маънавият бўстонларининг ёрқин соҳиблари айнан Темурбекка шундай унвонни лойиқ кўрдилар? Бундай унвонга сазовор бўлиш учун кишидан аввало катта билим, юксак маънавий идрок, Куръонни бошдан оёқ ёд билиш, шу билан бирга уни ёддан қироат билан юксак даражада ўқий олиш талаб этиларди. Бу борада ёш Темур-

бек ўз пирларини дол қолдиради. Бизга ўрнак бўларди яна бир ажойиб хислати шундаки, у ҳеч қачон бир муваффақият билан чекланиб қолмади, балки қалбидаги, руҳидаги имкониятларини ишга солди, уларни йилдан-йилга ривожлантириб борди. Ва ҳар соҳада аъло натижаларга эришди. Лекин ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳеч жойда ўз муваффақиятларидан мағрурланиб кетмади, гарчи тенгқурларидан устун эканлигини билса-да, доимо уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйди. Бироқ тириклик маънисини, яшашдан мақсад нима эканлигини англа-гач, ҳаётга, оламга тик кўз билан қарай бошлади: мустамлакачиликда яшаган халқнинг эзлаётганини, хўрланаётганини

бу ўзгариш хатарли эди. Чунки улар итлардан ҳам зийрак. Нима учун бу ҳол юз берганини билиш қийин эди. Балки ёғатган қор кўплигидан отлар эски йўлни қўйиб топишдан маҳрум бўлиб қолгандир? Нима қилмоқ керак? Соҳибқироннинг боши

қотди. Юраверинлар деса, йўлни йўқотиб, совуқда ҳалок бўлишлари мумкин. Қўшинни тўхтатишга буюрса бу даштда ўтин ҳам, озиқ-овқат ҳам йўқ.

Темур атрофга диққат ила разм солди. Оч бўрилар изғимоқда. Очликдан кўзлари ярқирайди. Олдинда нима бор?

У лашкарни тўхтатиб, дам беришга қарор қилди. Қор устига чодирлар текилиб, отлар учун вақтинчалик огиллар қурилди. Лашкар ўт-оловсиз тунга кирди. Бу Амир Темур ҳаётидаги биринчи огир ва машаққатли кеча эди. Кечанинг шиддатли совуғида ўрбу-гоҳ соқчилари бўрилар билан олишар, огиллардаги отларни улардан ҳимоя қилиш учун тинимсиз у ёқдан бу ёққа чопишади. Агар яна бир тун шундай бўлса бутун лашкар ва отлар нобуд бўлиши аниқ. "Уша кеча, деб ёзганди Темур, -- мен ўз-ўзимга савол бердим. Қўшин тортишга ҳанузгача лаёқатсиз эканман. Агар тажрибали лашкарбоши бўлганимда қиш пайтида совуқ минтақаларга қўшин тортмас эдим. Ўзимни шу каби лаёқатсиз кўрганим учун уйқум ҳам келмас, тонг ҳам яқинлашган эди. Кўзим Жадада юлдузига тушди. Ўзимча шу юлдузга қараб

юрсак бўлади деб ўйладим. Шарқ томон қарадим. Қоронғи. Шимол тарафда эса тонг шафағи кўринди. Атрофга тўпланган мулозимлардан сўрадим.

-- Тонг шафағи ш и м о л д а н чиқадими?

Улар ҳам хайрон эдилар. Мен ўзимни ҳеч нарсадан кўркмайдиган инсон деб билардим. Бироқ шу ерда мени азим бир даҳшат ўраб олди. Ўзимда кўришиб турган кўркүв ҳолатни мулозимларимдан ҳам яширолмадим. Улардан бири мен-

га "Эй, Амир, нима бўлғай экан", дея сўради. Мен умумий қилиб шундай дедим: "Бизнинг ўз ишимиздаги ихтиёримиз кўлимиздан чиқди, ҳар нима бўлса, Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади". Назаримда офат ўз еридан чиқмаса қиёмат қойим бўладигандек. Кўз олдимизда эса жазо кунининг даҳшати кўринар, маҳшаргоҳнинг ҳисобига ҳозирланмоқдан бошқа аҳамиятли иш қолмагандек туюлади"

## НАЖОТ ҚИШЛОҚ

Одамлар интизорлигига қарши офтоб ҳам чиқмади. Қиёмат ҳам ошкор бўлмади. Дунёни қайтадан зулмат қоплади. Шимол томондан кўринган офтоб аслида кутб шафағи экан. Қанча вақт шу зайлда ўтганини ҳеч ким билмади. Ниҳоят, офтоб нури даштни ёритди. Узоқдан қорайиб ўрмон кўринди.

Умид чироғи ёнган лашкар олдинга илдамлади. Бу ерда аввал юборилган хабарчилар уларни қаршилади. Ўрмон ичидаги Калана қишлоғидан озиқ-овқат, ем-хашак тўпланибди.

Соҳибқирон қишлоқ оқсоқоли таклифи билан айиқ овига чиқди. Айиқнинг одати қиш кирмасдан аввал саҳро ва тоғларда, ўрмонларда ўзига кўп миқдорда озуқа йиғиб унгурига келтиради. Кейин уйқуга кетади. Унинг уйқусидан фойдаланган сичқонлар бу захираларни кемиради. Ўз навбатида тулкилар бу хайвонларни овлаш учун унгурга киришади. Айиқ унгурни тулкидан бошқаси тополмаслигини халқ биледи. Шу учун айиқ уйига тулки изидан борар экан. Шу йўсинда қишлоқ овчилари бир унгурни топиб ичига итларини қўйиб юборишди. Ов бароридан келди.

Соҳибқирон Калана аҳолисида Дашти қипчоқ ҳукмдори Тўхтамиш Дарбанд атрофида турганлигидан воқиф бўлди.

Ҳордиқ чиқарган лашкар Ғарб томон йўлга тушди. Энди аскарларга совуқ ҳам билинмас, чунки маҳаллий аҳолидан олган тавсиялари ва кийимлар, чанги ҳамда чаналар юриш машаққатларини ортда қолдирган эди.

Рус кишини енгган саркарда эса ўзининг навбатдаги йирик зафари томон дадил олға бормоқда эди. Калана қишлоғи аҳолиси эса Амир Темурнинг бу сафари юз элик йилдан буён давом этиб келаётган Олтин Ўрданинг Рус ҳокимлигига абадий чек қўйишини билмас эди.

Муҳаббат САФОЕВА

Бугун буюк Соҳибқирон ҳақида бор ҳақиқатни айтишга ҳамма йўллар очиқ. Бунга минг шукрлар бўлсин, деймиз. Аммо ҳаминша ҳам биз бу зот тўғрисидаги фикрларимизни, қарашларимизни меъёрида, ўрнида ўқувчиларимизга етказиб бераёلمизми? Йўқ. Кўпинча мақола-лардаги қуруқ баёнчилик, воқеа-ҳодисалар тафсилотларини санаб ўтиш бугунги зукко ўқувчини ўйлашга эмас, эснашга ундайди. Энг яхшиси, Султони Ғозий ҳаёти билан боғлиқ ҳар бир воқеа, ҳодисани тилга оларканмиз, улардан аввало сабоқ чиқаришга, кишиларга қандайдир маънавий озуқа беришга кўпроқ эътибор қаратсак, бунинг ўзимизга ҳам, бошқаларга ҳам катта нафи тегиши муқаррар. Шундай экан, бугун Амир Темурнинг тириклик, ёруғ дунё қонун-қоидаларидан бири -- меъёрга қандай риоя этганини хусусида бироз фикр юритмоқчимиз. Сизга таниш ва яхши маълум бўлган воқеалар ҳақида мушоҳада юргизиб, улардан меъёр хусусида хулосалар чиқарайлик.

Амир Темур атрофида ҳар қандай бузғунчилик, гаразғўйлик бижғиб ётса-да,

кўриб, бефарқ қарамади, шунинг учун ҳам "болалик туни"ни барвақт ечди, ва жуда эрта, ҳали тенгқурлари ўйинқароқлик кўчасидан нарига ўтмаган бир пайтларда у катта оловли майдонга -- сибёат аталмиш нағмали маконга дадил кириб борди.

Ўз даврининг буюк зотлари ёш Темурбек толе юлдузида миллат, халқнинг порлоқ келаёганини кўрдилар ва унга муносиб пир бўлишга чоғландилар. Халқнинг ана шундай обрўли кишилари даврасида мароқли суҳбатлардан баҳраманд бўларкан, у ҳеч қачон узини йўқотмади ёки аксинча, ортиқча тақал-луфга берилмади, ҳаминша ҳам давранинг, ҳар жойининг меъёрига риоя қилди. Унинг давраларда ҳаминша чўққалаб утирганини кўрган Шамсиддин Қуллол: "Энг одобли ўлтириш қайси?" деб сўраганида, "Тиз-залаб ўтиришдир, чунки Худога ибодат қилинганда, шундай ўтирилади", дея жавоб қилиб, пирининг кўнглини қувонч нурлари билан мунаввар айлади.

Тўлқин ХАЙИТ

(Давоми келгуси сонда)

**“NEXIA”, “TIKO”  
БУЗИЛМАДИМИ?**



Хар қандай автомобиль эртами-кечми барибир бузилиши турган гап. Бу — исбот талаб қилмайдиган қоида. Энг ёмони машина кўпинча жуда ноқулай жойда ва қутилмаган вақтда бузилиб қолса. Ҳанда Автомобилларга (табиийки, Асака заводнинг машиналарига ҳам) энг зарури эҳтиёт қисмлар экан! - деган хулосага келамиз. Автомобилларимиз сони йил сайин эмас, ой сайин ўсмоқда. Бундан эҳтиёт қисмлар муаммосининг долзарблиги ва миқёси тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Ушбу муаммо республикамизда ҳам, унинг ташқарисиди ҳам ўнлаб, юзлаб кишиларни ташвишлантормоқда. Хўш, “ЎЗДЭУ” корпорацияси автосервис ва эҳтиёт қисмлари департаментининг директори Бахром Холиқуловничи?

— Бугунги кунда “Nexia”, “Tiko” ва “Damaz” автомобиллари эгаларидан ҳеч бирининг бирон-бир эҳтиёт қисм йўқлигидан боши қот-маса керак, — дейди Б.Холиқулов. — Тошкент ва вилоятларда махсус эҳтиёт қисмлари магазинларидан ташқари автобозорлар ҳам ишлаб турибди. Урни келганда эътироф этиш керакки, ҳар ҳолда бозордаги деталлардан каттагина қисми бугунги кунда сифат жиҳатидан қониқарли.

Россия бозорига келганда шуни айтиш керакки, у ерда биздан ташқари “Daewoo” корпорациясининг бир қанча ўз дилерлари ҳам ишлаяпти. Жанубий Кореяни қамраб олган иқтисодий инқироз миллий валюта — вонанинг қадрсизлиши эҳтиёт қисмлар баҳосининг пасайишига олиб келди. Ушбу ҳолдан турли фирмалар тезда фойдаланиб қолдилар. Шундай экан, такорлайман: эҳтиёт қисмлар муаммоси йўқ. Аммо бу гап истъомчиларгагина тааллуқли. Бизда эса муаммолар бор.

Бозорда ҳар қандай маҳсулот ўз сифатига қўра фарқланади. Шу жиҳатдан фирма эҳтиёт қисмлари энг юқори рейтингга эга. Бу — табиий ҳол. Аммо улар энг баланд нархларда сотилади. Иккинчи ўринда эса бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосий вазифаси бўлмаган йирик корхоналар ёки фирмаларда тайёрланган эҳтиёт қисмлар туради. Аммо мазкур корхоналар тўплаган тажриба, малакали кадрлар, яхши асбоб-ускуналар, баъзан анча юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон беради. Ниҳоят, учинчи ўринни қўлбола ёки ярим қўлбола тарзда тайёрланган эҳтиёт қисмлар эгаллайди. Уларнинг сифати албатта энг паст даражада, нархи ҳам шунга яраша бўлади. Бозордаги бундай ҳолат ҳали жуда узоқ давом этади. Бироқ у харидорга танлаш имконини беради.

Шу боис биз фирма автосервиси ташкил этилган биринчи кунларданок “велосипед ихтиро қилиш”

йўлидан эмас, балки жаҳоннинг юксак ривожланган мамлакатлари босиб ўтиб, синаган йўлдан бордик. Бизда вазифаси нафақат автомобилларни, эҳтиёт қисмлар ва аксессуарларни сотиш ҳамда техник хизматни ташкил этишдан, балки бозорни урганишдан ҳам иборат булган дилерлар тармоғи мавжуд. Улар шунингдек автомобилларнинг эскириш хусусияти ва улардан фойдаланиш шарт-шароитларини ҳам ургандилар.

Статистик маълумотларга қараганда, утган йили Россияда 13 мингдан зиёд “Nexia” ва “Эсперо” автомобиллари сотилган. Бунга, албатта, Асака заводда ишлаб чиқарилган автомобиллардан ташқари, Ростовдаги “Красный Ассай” заводнинг автомобиллари ҳамда бошқа давлатлардан олиб келинган автомобиллар ҳам киради. “Nexia” Россия бозорида энг кўп сотилаётган автомобилдир. Шундай булган табиийки, у ерда эҳтиёт қисмларга булган эҳтиёт ҳам ошиб бормоқда.

Биз машинасини дилерларимиздан сотиб олган кишини, бошқа йўллар билан олган кишидан ажратмаймиз. Агар у фирмамиз станциясидаги техник хизматдан фойдаланиш учун келган бўлса, биз унинг барча истакларини бажаришимиз шарт. Бу бозор рақобати шароитида буладиган мижоз учун курашдан иборат оддий ҳолдир.

Сузимнинг ниҳоясида республикамиздаги биз ишлаб чиқарган автомобилларнинг эгаларига мурожаат этмоқчиман. Агар сиз фирма техник хизмат станциясига келиб, зарур эҳтиёт қисмни топа олмасангиз ёки автомобилнингизни сифатсиз таъмирлаб беришса, унда бизга 67-71-64 телефон рақами бўйича кўнгирок қилишингиз мумкин. Тошкент шаҳрининг коди 3712. Бундан ташқари, ўз мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга ёзиб юборишингиз ҳам мумкин: 700007, Тошкент, Абдуллаев кўчаси, 30-уй, 302-хона, Истеъмолчилар билан ишлаш бўлими.



**“АВТО-ОЛАМ”НИНГ СИРАИ ОЛАМИ**

Автомобиль ишқибозларининг янги журналли -- “Авто-Олам” -- “Авто-Мир”нинг навбатдаги сони ўқувчилар қўлига теғди. У Ўзбекистон автомобилсозлари “Автосаноат” уюшмасининг беш йиллик юбилейига бағишланган.

Мазкур сон байрам руҳида безатилган бўлса-да, ундан бу санага боғлиқ бўлмаган қизиқарли мақолалар ҳам ўрин олган. Сиз улар билан танишар экансиз, одатдаги “Нексия”нинг Италиядаги мусобақаларга мослаб чиқарилган туридан қандай фарқлиниши, машҳур хонанда Фаррух Зокиров қайси русумдаги автомобилларни ёқтиришини ва ҳозир қанақа ма-

шинада юришини билиб олишингиз мумкин.

Бу сафар ҳам “ЎЗДЭУавто” қўшма корхонасининг мутахассислари автохаваскорларнинг турли-туман саволларига жавоб қайтаришади.

Журналдаги энг ёқимли совға эса -- викторица. Сиз унда берилган саволларга тўғри жавоб бериш билан “Нексия”, “Дамас” ёки “Тико” соҳиби бўлишингиз мумкин. Дарвоқе, тахририятдан бизга айтишларича, ҳамма жавоблар журналда берилган мақолаларда яширилган.

Бугун “Авто-Олам” газетамиз меҳмони.

**ПАРИЖ АВТОСАЛОНИ  
ЮЛДУЗЛАРИ**

**AUDI**

Стенд юлдузи Audi TT Coupe қандай кўринишдалигига қизиқсангиз, тепасидан қаттиқ эзилган Volkswagen New Beetle автомобилини тасаввур қилинг.

Аммо Audi TT Coupe автомобилнинг мотори кучлироқ -- унга қуввати 180 ва 225 от кучи булган бензинда ишлайдигин икки хил турбодвигатель ўрнатиш мўлжалланган. Бунда 225 от кучига эга булган двигатель “Quattro”нинг фақат тўла юритмали моделига олти босқичли узатмалар қўтиси билан бирга ўрнатилади. Табиийки, бундай автомобиль шатакширашга қарши тизим, ABS ва автомобиль ҳалокатга учраган пайтда барча ёриқлардан сакраб чиқадиган кўплаб хавфсизлик ёстиқлари сингари анжомлар билан ҳам таъминланган. Ахир унинг паспортида кўрсатилган энг катта тезлиги двигательнинг қувватидан келиб чиқиб, 226-243 км/соат.

**BUGATTI**

Бу автомобиллар бир вақтлар донги чиққан ниҳоятда обрўли, маркани тиклашга булган навбатдаги интилишдир. Бу сафар ушбу ҳаракатни янги соҳиб -- Париж автосалонида Bugatti EB 118 купесини намойиш этган Volkswagen концерни амалга оширди. Автомобиль корпуси Италиянинг кузов ишлаб чиқарадиган машҳур ItalDes-

inga ательесиди тайёрланган, бироқ ҳажми 6,3 литр ва қуввати 555 от кучи булган 18-цилиндрли двигатели Volkswagen фирмасининг маҳсули. Аммо моделнинг ўзи сотувга қўйилмас керак -- Volkswagen бу билан ўз имкониятларини намойиш қиляпти, холос.

**CITROEN**

Citroen компаниясининг вакиллари тараққийпарвар французлар учинчи минг йилликка “Xsara-Picasso”нинг навбатдаги моделига кириб боришлари ҳақида гапиряптилар. Эйфель минорасидаги соатта ишонадиган бўлсак, автомобилни кўплаб ишлаб чиқариш бошланишига бир неча ой қолди, чунки Picasso сотувга 2000 йилдан чиқарилади. Янги автомобиль ҳэтчбек асосида ясалган, аммо баланд томи ва текис поли ҳисобига аввалгисидан анча кенгроқдир. Харидорга иш ҳажми 1,6 ва 1,8 метр ҳажмли ҳамда қуввати тегишли равишда 90 ва 115 от кучига эга булган, бензинда ишлайдиган икки хил ҳамда бевосита пуркагичли ва 90 от кучига эга булган дизель двигатель таклиф этилади.

Узига хос услуб ишқибозларига Citroen фирмаси автомобиль модасининг энг сўнгги янгиликлари асосида яратилган C3 концептини тайёрлаб қўйди. Кенг очиладиган эшиклар ва ойнаванд том бу автомобилнинг асосий таркибий қисмларидир. Унга иш ҳажми 1,6 метр, қуввати 90 от кучи булган классик типдаги двигатель ўрнатилади.

**ОЙНАЛАР ТЕРЛАМАСИН ДЕСАНГИЗ...**

*Икки йилдан бери «Tico» ҳайдайман. Шаҳар учун қулай, чаққон ва анча шинам автомобиль. Ҳатто бизнинг қаҳратон қиш шароитида ҳам машина ўзини яхши ҳис этапти. Лекин совуқ кунлари йўловчиларга тўла машинанинг ойналари тезда терлайди. Ана шундан қутилишнинг иложи борми?*

**Игорь ХАМУТОВ,  
Омск**

Мумкин. Дарвоқе, кўплабнинг тажрибаларидан биционер -- булар ойналарга ёрдам берувчи икки-ҳавони яхши қурилади. керакли режимни тан-ҳароратни жуда ошири-нада тўрт киши иссиқ иситкич салонни ҳамди.

Яна бир қўшимча: ташқаридаги ҳарорат ноль ҳўл қор ёққанда фойдалани-иситкичнинг ўзи етарли, унинг тади.



“Tico” соҳиблари буни ўзлари-ладилар. Иситкич ва конди-нинг терлашидан қутилиш-та агрегатдир. Кондиционер Синаб кўриш усули билан ласангиз бўлди. Асосийси, маслик зарур. Агар маши-кийимда ўтирган бўлса, момга айлантриб юборади.

иситкич ва кондиционердан атрофида булганда, ёмғир ва ган маъкул. Совуқ вақтда эса иссиқ ҳавоси ойналарни тезда қури-тади.

**ФИЛЬТР УЧУН БЕЛБОҒЧА**

“Жигули” ва “Москвич” автомобилларининг ҳаво фильтрини алмаштириш чоғида корпус деталларининг ёнларидидаги тирқишлардан кирган чанг изларини қуриш мумкин. Ушбу ҳол, мени мавжуд элементга кичкина-қўшимча қилишга ундади.

10-12 мм қалинликдаги поролондан кенглиги 80-90 мм ва узунлиги 680 ва 700 мм булган тасма кесиб олдим. Тасмани ҳалқа шаклида тикиб, мотор мойи шимдиргач, янги элемент устидан кийдирдим. Ҳар 5000 километрда поролон ҳалқани ечиб олиб, оддий кир ювиш порошоғи солинган сувда ювман, шундан сўнг қуришиб, мотор мойи шимдиргач, яна жойига ўрнатаман.

Натижада филтёр ортидаги чанг изи бутунлай йўқолди.

**Қодир АБДУРАҲМОНОВ,  
Андижон**

# УЙИНГИЗГА СОВЧИ КЕЛДИ...

## БИРИНЧИ МАКТУБ

Алдашдан ортиқ оғир гуноҳ йўқ экан. Менинг ҳам орзуларим бисёр эди, такрорланмас ёшликнинг бегубор осмонида кабутар янглиғ учиб юрдим.

Дорилфунунга кириш насиб этиб, талаба деган номга мушарраф бўлдим. Бахтиёрлигимнинг чеки йўқ эди. Уйимиздан совчилар аримай қолишди. "Ойижон, -- талабалик олтин давр дейишади, озгина доvon ошволай, шошмай туринг" деб ялинганимдан сўнг, улар бу гапларни рўқач қилиб, келган совчиларни қайтаравердилар. 2-курсда ўқиётганимда келган совчилар канадек ёпишиб олишди. Ҳеч нарсага кўнишмади. "Вой намуноча ўқиш, ўқиш дейсизлар, ўқитмай ўлибмизми, ахир институтга киришнинг ўзи бўлмайди, ёрдам берамиз", деб катта ваъдалар беришди. Хуллас, ёзда туйимиз бўлиб ўтди. Сентябрда ўқишга тушиб кетдим. Ҳам ўқиш, ҳам уй-рўзгор ишларини эп-лаштириш осон эмас экан. Лекин мен ортиқча гап-сўзга ўрин қолдирмаслик учун келинчаклик мажбуриятини ҳеч иккиланмай бажаравердим. 3-курсни битирган вақтимда фарзандли бўлдим. Қайнонам "Чилласи чиқмаган чақалоқни қандай эп-ларкинман" деб илмоқ ташлаб қўйдилар. Ўқишлар бошлангач ўғилчамни бешикка бойлаб, қорнини тўйгазиб, машгулотларга ошиқардим. Гоҳида узр сўраб қайтиб келардим, баъзида сержаҳд, та-

лабчанроқ домла бўлса, дарсинг охиригача қолиб кетардим. Шу алфозда икки ҳафта ўтди. Бир кунни ўқишдан келсам, ўғилчам чинқириб йиғлапти, қайнонамнинг хуноблари ошган.

-- Энди ўқишни йиғиштирасиз, энг катта ўқиш сизга мана шу фарзанд. Бола катта қилиш ҳам машаққат. Шу меҳнатга буйин эга билиш керак.

Мен индамадим. Кечкурун турмуш ўртоғим ишдан келганларидан сўнг ойимлар уларга ҳам яхшигина маъруза "ўқиган"лар шекилли, улар ҳам оналарининг айтганларини тўғри қабул қилдилар.

Ўқишдан қолиб кетганимни эшитган уйимдагилар: "Болани бизниқига ташлаб, ўқишга қатнайверсин, ўқишдан қолиб кетмасин, қирқига чидагандан сўнг, қирқ бирига ҳам чидагандар-да", - деб айтишганда, эримнинг мағрурлиги тутиб "Йўқ, уйда ўтиради, болага ўзи қарасин", - деб туриб олди. Бўлмаса, вақтинчалик таътил ола қолай, деб сўрасам ҳам кўнмадилар. "Агар сенга ўқиш оила, фарзанддан ҳам устун бўлса, билганингни қил!" деган жавобни эшитиб хафсалам пир бўлди.

Дугоналарим кўнгиноқ қилиб туришди. Давлат имтиҳонларини топшириб, диплом ҳимоясига тайёргарлик кўришадиган экан. Уларга жуда ҳавасим келди. Дугоналарим ҳам оилани, фарзандли, бироқ ўқишни ташлаб кетишгани йўқ. Мен учун ҳаёт хаёлга, орзу-умидлар саробга айланиб қолди.

Соҳиба

## АРМОНЛАРДА ИШИМ БОР

Мен кетарман, бир олис томонларда ишим бор, Яхшилар яшаб турсин, ёмонларда ишим бор.

Васлига етдим дебон турган ул шўх лаҳзада Кўксими уйиб дебон кетган армонларда ишим бор.

Чақнаган он кавкаби умид кўзини ёпди не тонг, На қасди жон экан кўп осмонларда ишим бор.

Дил дардима дастурхон қилганимда малакнинг Олдида ўқилмаган дostonларда ишим бор.

Не сабабдин икки дил васлини этди сароб, Тақдирим битган ҳукм, фармонларда ишим бор.

Ғам-мушибат қилди ғорат деб уйламанг сиз мени Шошмайин турсин ҳали ҳижронларда ишим бор.

Бунда қолсам ютарман мосуволик захрини, Яхши қол, эй Хоразм, Сурхонларда ишим бор.

Эрпўлат БАХТ

## ИККИНЧИ МАКТУБ

Ҳурматли "Туркистон" таҳририяти ходимлари! Мен кўнглимдан кечган уйларимга Сизларни ҳам ошно қилишни истардим. Тўлиб турган юрагимни биров бўлса-да бўшатиб, руҳимни энгиллатмай дедим. Ҳозирда совчиликка юраётганларнинг ваъдалари чексиз, бироқ ҳаммаси тил учида эканини ҳаёт тасдиқламоқда. Мен ўзим институтда ўқиганим учун ҳам олий маълумотли йигит билан турмуш қуришни орзу қилардим. Ахир тенг тенги билан-да! Ушанда мақсад ҳам, маслак ҳам бир бўлади. Оилада ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш, далда бериш дегандек. Совчилар ўқиган йигитлардан ҳам келди, ўқимаган йигитлардан ҳам. "Институтни битириб ишининг тайини йўқ йигитлар озми, ўқимаган бўлса ҳам қўлида хунари бўласин, оила тебратилишига қўрби етсин" дейдиган дугоналарим ҳам бўлди. "Барибир ўқиган йигитга турмушга чиқаман" деб аҳд қилдим. Бир кунни автобус бекатида турган икки аёл ортимдан эргашиб, уйимизга келди. Ёқиб қолдим ше-

килли, серқатнов бўлиб қолишди. Йигитни молия институтини битирган, савдода ишлайди, топиш-тутиши жуда яхши, деб мақташди. Тўй бўлиб ўтди. Не кўз билан курайки, уша йигит саккизинчини ҳам зўрга битирган, ҳеч қаерда ўқимаган экан. Тоғалари билан бозорга чиқиб тураркан. Топиш-тутиши гоҳида ундай, гоҳида бундай. Бунинг устига жуда раишчи. Кўча тугул онамникига ҳам қайингилларимни кўшиб жўнатади. Қафасга тушиб қолган қушдек сезаман ўзимни. Уззу-кун майда гап, арзимас қўйди-чиқдилардан кайфият тароқ. Қайнонамлар ҳам кўзимга ёмон кўриниб кетадилар баъзида. Ахир улар совчиликка борганларида артистлик қилиб "Институтда ўқиган" деб тўқсон, тўққизта ёлгон ваъдаларни берганлар-да. Мен эса ёлгон гапирган, алдамчилик билан иш битириб юрадиган кимсалардан нафратланаман. Алданганимга чидолмайман.

Гулрух

## УЧИНЧИ МАКТУБ

Яқинда ЗАГСдан ўтаётган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳақида қарор чиққанини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Жуда хайрли ва керакли иш, дея кўнглимдан ўтказдим. Негаки, бугунги кунда совчиликка юраётган аёллар ўғлини кўкка кўтариб мақтайдилару, унинг нуқсон ва камчиликларини яширадилар. Бундан икки йил аввал холамнинг қизларини турмушга беришди. Тўйдан сўнг йигитнинг ақли заифлиги, руҳий касалликлар диспансерида рўйхатда туриши маълум бўлиб қолди. Оила барбод бўлди. Қиз лаш-лушларини машинага ортиб ортга қайтди.

Шу йил баҳорда эса курс-

дош дугонаимизнинг тўйи бўлиб ўтди. У ҳам янғаси билан йигитни бир бор кўришга чиққану, қўлидаги совғаларни олиб қайтаверган. Қизнинг оиласи бадавлат жойга бераётимиз деб, алданиб қолишибди. Йигитнинг ўнг қулоғи эшитмас, қулоғига махсус мослама кийиб юраркан. Дугонамизга "энди нима қилмоқчисан", десак, "Пешо-

намга ёзилгани шу экан, шу йигит билан яшайвераман, уни айболомайман. Мени ҳурмат қилади, меҳрибон, фақат ойимнинг шу нуқсонини тўйдан олдин бир оғиз айтиб қўймаганларига хафа бўлиб кетаман. Мен ўзимнинг алданганимни сезмаганимда, бунчалик тушқунликка тушиб ўтирмасдим", дейди. Нима қилсин бечора, энди шунга мажбурда.

Нафосат

Уч хил мактуб, уч хил тақдир. Ҳаммасининг илдири аловга, ёлгонга, ҳавон ваъдаларга бориб тақалади. Халқимизда "Санамай саккиз дема", "Етти ўлчаб бир кес" каби нақллар мавжуд.

Турмушнинг паст-баланд, эгри-бугри сўқмоқлари кўп. Бу машаққатларга бардош берган, сабр-тоқатга буйсунганларгина ҳаётда бахтли бўла олишлари мумкин.

Азиза СОЛИХ



...Уша кунни Бекпошша опа уйига қайтиб келмади... Фарзандлару набира-лару орому-қарорини йўқотди. Онанинг бунақа одатлари йўқлигини билган Ойбек хавотирга тушди. Келинлари уни қўшни қиз Меҳрибон билан чиқиб кетганини айтишди. Ўғиллар онасини дарақлаштириб Меҳрибонларникига жўнашди.

"Бекпошша опа билан Ўринпошша опаларникига бордик. Мен ичкарига кириб чиққунимча у қаергадир кетиб қолибди. Излаб-излаб топмадим"-- деди хотиржамгина қўшни қиз. Балки синглимизникига кетгандир, деган тахмин билан уйга қайтди ўғиллар. Бироқ кунни буйи кўнглини хавотир тарк этмади. Шу боис мижжа қоқмай чиқдилар. Улар саҳар мардонда ўринларидан туриб, яна онаизорини ахтара бошладилар.

Тонг ёришиб қолган эди. Урганч тумани "Ғалаба" жамоа ҳўжалигининг 2-бўлимидаги бугдўйзорни кесиб ўтган сўқмоқдан пилдалаб ишга жўнаётган фуқаро Василий Егай дала чеккасида миқ этмасдан ётган аёл жасадига кўзи тушиб сесканиб кетди. Зудлик билан таниш-билишларга хабар берди. Яшин тегилида тарқалган хабар Бекпошша опанинг ўғиллари қулоғига ҳам етиб борди. Оёғини қўлга олганча марказий

касалхона қошидаги ўлик-хонага етиб борган фарзандлари волидаи муҳтарамасининг мурдасини кўриб ақлу хушини йўқотаёздилар... Марҳуманинг боши қил-қизил қонга бўялганди. Кекса аёл кимга ёмонлик қилган эдики, унинг жонига тажовуз қилишган бўлса?..."

Мудҳиш воқеадан кейин тергов ишлари зудлик билан бошлаб юборилди. Жасад ёнидан топилган 60см. узунликдаги темир арматура марҳуманинг уриб ўлдирилганидан дарак берарди. Бироқ ким, нима учун қотилликка қўл ургани ҳали ноаён эди...

## БЕМЕҲР МЕҲРИБОН ҚИЛМИШИ

Тўвоҳ Ўринпошша Абдолниёзованинг кўрсатмасидан: "23 декабрь кунни кечки пайт Меҳрибон онасининг қарзлари эвазига берган тақинчоқларини сўраб келди. Дилбар холамга элтиб бермоқчиман деди. Мен эса олдимга онангни ўзи келсин дедим. Уни кузатиб чиқсам ташқарида кекса бир аёл турган экан..."

Ўринпошша опанинг кўрсатмасига қарши Меҳрибоннинг "Мен уларникига кириб

чиққунимча Бекпошша опа кетиб қолибди"-- дегани унинг ёлгон сўзларини инкор этади.

Тўвоҳ Жумагул Ниёзматованинг кўрсатмасидан: "Мен ишдан буш пайтларимда уйнинг олдида майда-чуйдалар сотиш билан шуғулланаман. Уша кунни ҳам Меҳрибоннинг Бекпошша опа билан қаёққадир кетаётганини кўрганман..."

Мазкур кўрсатмаларнинг барчаси шак-

сиз Меҳрибон Абдолловани гумондор сифатида сўроқ қилишга ундар эди. Ўз касбининг фидойилари бўлган терговчиларнинг суриштирув ишлари натижасида жиноятчи ростдан ҳам Меҳрибон эканлиги аниқланди.

Аслида воқеа бундай бўлган эди. Меҳрибон қарзи эвазига бировлардан гаровга олиб қўйилган жами 98000 сўмлик тилла тақинчоқларни қўлга киритиш ва уларни сотиб, ўз манфаати йўлида фойда-

ланиш пайига тушиб қолади. Қотиллик юз берган кунни М. Абдолова Б. Рузметовага "Онамнинг тақинчоқларини олиб чиқинг, Дилбар холамга элтиб берамиз", деб лақиллатганди. Кекса кампир "омонатлар"ни Дилбар холасига ўз қўли билан топширмоқчи бўлган Меҳрибон билан бирга йўлга тушган. Бахтга қарши уша кунни қизнинг онаси Ҳайитжон опа узоқ шаҳарлардан бирига савдо-сотик ишлари билан кетган эди. Қимматбаҳо матоҳларни осонликча қўлга киритиб бўлмаслигига кўзи етган қиз фариштадай момонинг ҳаётига тажовуз қилишдан қайтмайди.

Урганч шаҳри, Улуғбек кўчаси, 34-уйда яшаб келган М. Абдолова бу жинояти учун 16 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Гулдек умрини, ёшлигининг навбахор лаҳзаларини у энди панжара ортида ўтказадиган бўлди. У ўз вақтида кўнглидан кечган мол-дунё, дуру жавоҳирларга бўлган ҳирсни жиловлай олганида, ҳеч қачон дунёнинг улуг неъматини бўлмиш озодлик шавқидан мосуво бўлиб ўтирмасди.

Рустамжон ХУСАНОВ

**О С Т О Н А.** Қозоғистон парламенти мажлисида «1999 йилги республика бюджетни ҳақидаги қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг 3 мартда Бош вазир Нурлан Балгимбоев парламент қўйи палатаси мажлисида бюджетнинг харажат қисмини 31 миллиард тенгега /365 миллиард АҚШ долларига тенг/ қисқартиришни таклиф этган эди. Унинг таъкидлашича, 1998 йилнинг декабрида қабул қилинган республика бюджетни ҳақидаги қонунга ўзгартириш киритишнинг асосий сабаби жаҳонда кечаётган инқироз туфайли хомашё ресурсларнинг нархи тушиб кетганидир. Қозоғистон экспортининг асосини эса хомашё ташкил этади. Шу боис 4 мартда ҳукумат мамлакат парламентиға янги қонун лойиҳасини тақдим этган эди. Парламент мажлисида мамлакат бюджет тизимини ўзгартириш, ижтимоий ёрдам ҳамда солиқ соҳасидаги имтиёзлар ва уларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳам депутатлар муҳокамасига тақдим этилган.

X X X

**К И Е В.** Севастополда Украина хавфсизлик хизмати ходимлари мамлакатдаги жиний гуруҳлардан бирига тегишли бўлган қурол-аслаҳа омборини фожия қилди. У ердан уч килограмм пластик номли портловчи модда, 6 та электрон детонатор ҳамда катта миқдорда ўқ-дори топилган. Пластик замонавий портловчи моддалардан бири бўлиб, у тротил моддасига қараганда 4 баробар катта қувватга эга.

Омбор яқинда ўлдирилган кримлик жиноятчи - Евгений Поданевга қарашли эканлиги аниқланган.

X X X

**Т Б И Л И С И.** Грузиянинг Зугдиди шаҳрида уч нафар қуролланган ва юзига ниқоб тортиб олган шахс Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой қўмитасининг маҳаллий бўлинмаси идорасига ўғирликка тушиб, у ердан 1000 АҚШ долларлари ҳамда 1100 лар /500 АҚШ доллар/ миқдорда пул ва шу идорага қарашли «Ниссан-патрул» автомашинасини ўғирлаб кетган.

Ўғирланган автомашина Зугдиди яқинидаги Одиши қишлоғидан топилди. Полиция текширувни давом эттирмақда.

X X X

**С Я Н Г А Н.** Бу ерда 23-халқаро кинофестивали очилди. 15 апрелга қадар давом этадиган ушбу тадбирда 49 мамлакат ижодкорларининг 300 дан зиёд асарини намойиш қилинади. Улар орасида халқаро кинофестивалларда турли мукофотлар билан тақдирланган 20 та фильм ҳам бор.

X X X

**Қ О Х И Р А.** Миср президенти Хусний Муборак

косоволик қочқинларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш юзасидан фармойиш берди.

Миср ташқи ишлар вазири Амр Мусонинг таъкидлашича, инсонпарварлик ёрдамини амалга ошириш мамлакат бош вазири Камол ал-Ғанзурийга топширилган. Тадбир тез кунларда амалга оширилади.

X X X

**М И Н С К.** Беларусининг собиқ бош вазири Михаил Чигир ҳибсга олинди. У ўз мансабидан фойдаланиб, бир неча миллионлаб маблағларини ганликда ҳажмдаги кредит ўзлаштирганлигида



**В а б о ш қ а** жиний ишларга

алоқадорликда гумон қилинмоқда. Беларус ички ишлар вазири маслаҳатчиси Дмитрий Паргонининг таъкидлашича, тергов натижаси тез кунлар ичида маълум қилинади.

X X X

**П Е К И Н.** Хитой экспорт-импорт банкининг янги директори Ян Цилин мамлакат экспортини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар режасини эълон қилди. Унга кўра, жорий йилда мазкур банк экспортчиларга ёрдам тариқасида қўшимча 14 миллиард юан ақратлади. Бу 1999 йили банк мамлакатнинг экспортчи тадбиркорларига жами 35 миллиард юан миқдорда кредит беради, деган гап. Ажратиладиган кредитлар асосан электрон техника саноати ва машина-созлик маҳсулотлари экспортини қўллаб-қувватлаш мақсадларида сарфланади.

X X X

**Т Е Х Р О Н.** Эрон ҳукумати Албания ва Македониядаги косоволик қочқинларга катта ҳажмда инсонпарварлик ёрдами юбориш ниятида. У озиқ-овқат, дори-дармон, чодир ва иссиқ кийим-кечақлардан иборат. ИРНА ахборот агентлиги шундай хабар тарқатди.

Эрон ташқи ишлар вазирилик ахборот департаменти вакилининг айтишича, инсонпарварлик ёрдами Албания ва Македония ташқи сиёсат мақамалари раҳбарларининг расмий сўровига жавобан амалга оширилмоқда.

ЎзА

## ЯПОНИЯ: ИШСИЗЛИК - ДОЛЗАРЬ МУАММО

Бундан икки йилча аввал Жануби-шарқий Осиёда бошланган молиявий бўҳрон мазкур минтақа мамлакатлари иқтисодий ҳолатида катта қийинчиликлар келтириб чиқаргани маълум. Энди унинг ҳовури босилган бўлса-да, асоратлар ҳамон мазкур мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қўймапти.

Иқтисодий инқироз қолдирган асоратларнинг энг асосийи корхоналарда ишлаб чиқаришнинг камайиши оқибатида юзага келган ишсизликдир. Бу муаммо, айниқса, кейинги пайтларда юзага кўпроқ қалқиб чиқмоқда. Дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири бўлмиш Япония ҳам ярим аср давомида илк мартаба ана шундай жиддий қийинчиликка дуч келди.

Яқинда Япония иқтисодий режалаштириш бошқармаси мамлакатда ишчи кучи бозорининг аҳволи ҳақида тайёрлаган маърузасини эълон қилди. Унда келтирилган маълумотларга қараганда, мамлакатда ишсизлик кейинги 46 йил ичида илк бор рекорд даражага чиққан. Ишга яроқли японияликларнинг 4,6 фоизи, яъни 3,13 миллион киши бугунги кунда иш қидириш билан овора. Ишсизлик кўпроқ эркеклар орасида кўзга ташланмоқда.

Аҳвол шу даражага етгани маълум бўлгач, Япония мутахассислари дарҳол мамлакатда иш ўринлари захираларини аниқлаш, умуман, бу соҳадаги манзарани таҳлил қилишга киришди.

Уларнинг маълум қилишича, иш ўринларининг камайиши, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида кўпроқ кузатилаётган. Мутахассислар хизмат кўрсатиш жабҳасида иш ўринлари бир қадар кўпайган бўлса-да, у ишчи кучи бозоридидаги умумий вазиятга таъсир қила олмаслигини таъкидламоқда. Шу боис мамлакатнинг ишчи кучи бозоридидаги вазият яқин кунларда яхшиланмаслигини башорат қилаётганлар ҳам оз эмас.

Японияда ишчи кучи бозоридидаги аҳвол тўғрисида мамлакат меҳнат вазирилик эълон қилган маълумотларга таянмиш, бугунги кунда ҳар юз нафар ишсизга бор-йўғи 49 иш ўрни топилиши мумкин экан. Бу ишсизларнинг ярмидан кўпи, ҳатто иш топиш илжиндан ҳам маҳрум, деган гаплар. Ҳукумат бундан жиддий ташвишланиб кетган.

Япония Вазирлар Маҳкамаси бош котиби Хироми Нокиннинг фикрича, кейинги бир неча ой бадалида ишчи кучи бозоридидаги аҳвол бундан ҳам мураккаблашиши мумкин. Чунки, ишсизлар армияси сафларига олий ўқув юрти битираётган ёш мутахассислар ҳам келиб қўшилади. Япония ёшларининг иш топишда юзага келган вазиятни кузатган киши бош котибнинг гапида жон борлигига шубҳа қилмайди. Ўзининг тажрибали мутахассисларини ҳам бўшатишга мажбур бўлаётган корхона раҳбарлари эндигина олий ўқув юрти битириб келган ёшларга эҳтиёж сезмаслиги табиий ҳол.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎзА шарҳловчиси

### (Давоми. Аввали ўтган сонларда)

Зебинисо Сурайёнинг ўлими олтидан айтган гапи эсига тушиб кетиб бир дам нафасини ичига ютди-да, кейин хастароқ товушда жавоб қайтарди:

- Эрталаб чиқиб кетувдила, кейин кўрмадик.

- Зилоланг уйда бўлса, айт, менга чой-пой қилиб берсин. Улгундек чарчаб қайтдим...

- Хўп бўлади, ҳозирок қақираман, розилик билдирди соддадил аёл.

Зилоланнинг бу ерга чиқиб, Мумтознинг хузурига ошхонадан бир чойнак чой дамлаб олиб кириб бергунча орадан ўн беш-йигирма дақиқагина вақт ўтди холос.

Қиз одоб билан салом бериб кириб, чойнак-пиёлани Мумтознинг олдига қўйди-да, кейин эндигина ортига қайтмоқчи бўлудики, Мумтоз уни тўхтатди.

- Чойни қуйиб бер.

Зилола ноилж унга чой қуйиб узатди. Шунда Мумтоз қаққонлик билан бир қўлида пиёлани олиб стол устига қўйди, иккинчи қўли билан қизнинг биллагидан тутди:

- Қани, берирок кел. Ўтир. Уялма.

Қиз ногоҳ кўрқиб кетди. Билагини шашт билан тортиб олди.

- Нималар деясиз, бой дада?

- Кўрқма. Мен сени еб қўймайман. Сенда икки оғиз гапим бор.

Зилола ҳайронликда ёнгинадаги креслоннинг бир четига омонатгина кўнди.

- Эшитаман...

Мумтоз шишанинг тагида қолган жиндеккина коньякни пиёлага қуйиб қизга узатди.

- Ма, ич.

- Мен ичмайман.

Мумтоз унга томон қўл силтади-да, коньякни ўзи кўтариб қўя қолди.

- Ичмасанг, ўзингга. Энди қулоқ сол. Мен сени деб, дадангни қарзини кечвормоқчиман.

- Мени деб? - ҳайронликда сўради қиз.

- Нега?

- Сен яхши қизсан. Менга ёқасан. Жимгина, айтганимни қилиб юраверсанг бўлгани...

Зилола гап нимага бориб қадалаётганини сезди-да, даст ўрнидан турди. Энди у билан барабар бирмаст Мумтоз ҳам қўзғалди. Қиз томон яқинлашди.

- Мен сени тиллога қумаман, - у Зи-

лоланнинг елкасидан тутган эдики, қиз уни зарб билан силтаб ташлади.

- Бу гапни бир айтдингиз, бошқа гапирман!

- Нодон қиз... ўзингни, уйдагиларингни уйлсангчи. Камайиб қолмайсанку ахир...

Зилола титраб-қақшади:

- Сиз ифлос одамсиз! Лекин билиб қўйинг, ҳаммамиям сотиб ололмайси!

Қиз энди йиғлаб юборди. Шашт билан ортига бурилиб чиқиб кетмоқчи бўлудики, Мумтоз газаб билан қичқирди:

- Ким ифлос?!

У қизнинг кўйлагидан ушлаб қолиб, шидда билан ўзи томон тортиди-да, кейин уни маҳкам кучоқлаб олди.

Зилола унинг оғушида тузоққа илинган беданадаги потирлар, Мумтоз эса

зўравонлик билан қизнинг бўйинидан, бетларидан бетўхтов ўпа бошлади. Ногоҳ Зилоланнинг бир қўли бўшалиб, стол устида турган бўш шишага бориб қолди!

Қиз энди не йўсинда унинг оғушидан чиқиб кетиб, газаб ва таҳликада шиша билан унинг бошига туширганини, уйдан ёқавайрон ҳолда ўқдай отилиб чиққанини билмади.

Кутилмаганда, ҳовлида унга ҳозиргина тўйхонадан улғудай маст ҳолда қайтган дадаси Мирзамат кулол рўпара келиб қолди. Қиз энди ўзини тутолмади. Дадасининг кўксига ўзини ташлаб, хўнграб йиғлаб юборди.

Оқсарой Оқсарой бўлиб, бунақа ённинг умрида кўрмагандир! Уша тун тонготаргача тун бўлмади. Азим гулхан шуъласи осмондаги ой шуъласи билан қўшилиб кетиб, ҳамма ёқни ёритиб юбор-

ди. Оқсаройликлар у ер-бу ерда ёнғин чиққудай бўлса, Тошкентдан ўтириб чиқиб келишни кутиб ўтиришмайди. Етти ёшдан етмиш ёшгача бир зумдаёқ отилиб чиқишиб, қўлма-қўл пақирларда сув узатишади, ёнғинни бинойидек тинчитиб қўйишади. Бироқ бу сафар алангани ўчириб олишга ҳеч ким ботинолмади. Чунки у жуда баландда ва унинг одамлари эса анча пастда эдилар!

XVI

- Кечирасиз, фоҳиша Тахмина кимингиз бўлади?

Ранги гезарган, туксиз чўзиқ юзи бир оз тўр тортиган, тепакал ва шалпангқулоқ, кўзлари чағир ва совоқ боқувчи бу одамнинг шу ерда милиция капитани пўримида терговчи бўлиб ўтирганига ўзимча афсусланиб қўйдим. Турги, башараси кўримсиз ва муомилада табиатан совоқ бўлса-да аслида қалби хуш ва беозор кишилар ҳам кўп. Бироқ, назаримда, бу одамнинг бутун вужудидан чақиллаб захар томиб турар эди.

- Тахмина... Менинг ҳеч кимим бўлмайди, - ўзимни тутиб босикроқ жавоб бердим унга.

Терговчи иккала қўли билан стол устини аста шалатилаб қўйди-да, кейин мендан кўз узмаганича шошмай ўрнидан турди.

- Тушунарли, тушунарли...

- Нимаси тушунарли?

- Нимаси бўларди, шунча жойдан уни бекорга қидириб келмагандирсиз ахир?

- Тахмина марҳум дўстининг қизи бўлади.

- Хм... Марҳум дўстининг қизи шу даражага етиб боргунча индамай юраверибсизда, - иккала қўлини столга тираганча мен томон ингичка бўйинини

чўзиброқ захархандалик қилди у.

Жаҳлим қўзғалди. Бу сўхтаси совуқни қонун тили билан бироз ҳовуридан шириб қўйиш лозим чоғи.

- Сиз, афтидан, ким билан гаплашиб турганингизни ҳисобга олмайсиз, - дедим унга жиддий тусда. - Мен бу ерга сўроққа келган айбланувчи эмас, балки шу ишни ўрганаётган журналистман. Бу, бир, Иккинчидан, Тахминани фоҳиша, дейишга ҳақингиз йўқ.

Терговчи ишшайиб қўйди. Индамай яна жойига чўкди-да, менга энди кинояли боқди:

- Биз Тахминанинг кимлигини аллақачон англаб олганмиз. Ҳатто унинг бундан илгариям ўтириб чиққанидан хабардормиз, жаноб журналист.

- Буни ўзим ҳам биламан. Бироқ Тахмина ўз қилмиши учун қонун олдида жавоб бериб бўлган.

Терговчи бир зум жимиб қолди. Кейин маллатоб сийрак қошларини тугун қилиб, гудранди:

- Бу ерга ҳеч кимни бекордан-бекорга олиб келишмайди, биродар.

- Албатта. Лекин... ҳали маълум ҳам бўлар, Тахмина бу гал гуноҳсиз чиқишига ишончим комил, - подадан олдин чанг кўтарма, маъносида уни огоҳлантириб қўйдим. - Аёл киши ўз хонадонига, мол-мулкига...

- Эриниям қўшиб... - гап қистирди у.

- ... Ҳт қўйиб юбориши эҳтимолдан анча йироқ деб ҳисоблайман.

Терговчи яна бир дам сукутга чўкди. Иягини қашиб, менга ҳаёлчан тикилган ҳолда ўзича қандайдир фикрга келди. Нигоҳи шўбҳалироқ туюлганидан, у энди менинг ҳам «қўлтигимга қўл солиб» кўрмоқчи бўлди:

- Между прочем, по секрету ...

Оқсаройни Тахмина эмас, мен ёндирдим, деб яна икки киши ўтирибди камерида. Биттаси марҳум Мумтозбекнинг ўғли Санжар, яна бири ён қўшнилари Мирзамат кулол деган одам. Ҳуш, бу фоҳишани ... иҳм ... то ест, Тахминани ҳимоя қилиб, бунчалар оғир жиноят юқини бу эркеклар нега ўз гарданига олишяпти? Дарвоқе, мен яна биттасини, Уктамбек деганларини айтганимча йўқ. Тахминани деб, уям ўз бошини дуч келган эшикка уриб юрибди ҳозир. Эҳтимол, бу ишлардан балки хабарингиз бордир?

(Давоми бор)

**СОВЛИХ КАХХОР**

**ДАЙДИ ҚИЗНИНГ**

**ҲАСРАТ КЕЧАСИ**

**Иккинчи**

**КИТОВАДИ**



**Совриндорга - «Тико»**

Ўтган йилги Осиё чемпионатида қорақалпоғистонлик спорт устаси Бахтиёр Нуруллаев ҳам муваффақиятли қатнашиб, қитъанинг энг кучли оғир атлетлари баҳсида бронза медалини қўлга киритган эди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида Осиё қитъаси чемпионати совриндорини шарафлаш маросими бўлди. Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов унга «Тико» автомашинаси қалитини топширди.

**А.ИСКАНДАРОВ,**  
ЎЗА мухбири

**ҚУДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ**

(5 апрелдан - 11 апрелгача)

**ҲАМАЛ.** Душанба куни ўзингизни эҳтиёт қилинг. Сешанба ҳамнингиз тўлади. Чоршанбада яқин дўстларингиз билан дийдорлашасиз. Пайшанба ва жумада зиддиятлардан нари юринг. Шанбадан хушxabар кутинг. Якшанба ижод учун қулай кун.

**САВР.** Душанба бироз кўнгилсизлик билан бошланади. Сешанба ва чоршанбада яқин одамнингизни учратасиз. Пайшанба куни сирли учрашув. Жумада асабийлашманг. Шанбадан кўнгироқ кутинг. Якшанба харид учун қулай кун.

**Носир МУХАММАД**  
**СУМАЛАКДАН ТОШ ТОПДИМ...**

Сумалакдан тош топдим,  
Бир парча кўёш топдим,  
Кўксимда ёнди умид,  
Бир ажиб сирдош топдим.

Мўъжизали мўъжаз тош,  
Йўлларимда бўл йўлдош.

Бир умр муштоқ ўтдим,  
Тугади тоғдек бардош.

Омадми, бахт берурсан,  
Ё муҳаббат берурсан.  
Ҳижронзада кўнглимга  
Балки қувват берурсан.

Боқий умр сўрайми,  
Соғлиқ, ҳузур сўрайми?  
Ё баҳорий туйғулар  
Бергувчи нур сўрайми?

Неки бўлса, қил ато,  
Сен тош эмас, бир кимё.  
Бағримга босай сени,  
Умидлидир бу дунё.

Мўъжизали мўъжаз тош,  
Йўлларимда бўл йўлдош...

**ҚОН ҚУЮЛМАСИНИ ДЕСАНГИЗ**

Сирка инсон организми учун фойдали. У қонга шимилиб, томирларда қон қотиб қолишининг олдини олади. Агарда овқатингизга оз миқдорда сирка қўсангиз ҳам у қонингизнинг қуюлиб қолишидан, демак, юрак-қон томир хасталикларига чалинишдан сизни сақлайди.

**ҲАВО****ЎЗГАРИШИДАН ШАЪСИРЛАНАСИЗМИ?**

Баъзи одамларнинг ҳаво ўзгарди дегунча гоҳ бўгинлари, гоҳ боши оғрийди, ўзини лоҳас сезади. Австралиялик олим-



ларнинг аниқлашича, агарда инсон вужудида кальций, калий, темир, селена каби микроэлементлар етишмаса, улар ҳавонинг ўзгаришини олдиндан сезадиган ўзига хос "барометр"га айланишар экан.

Бу нохушликдан даволаниш учун шифокорлар беморларга чиниқишни, мева, сабзавотни кўпроқ ейиш ва доривор ўтлар дамламасини ичишни тавсия этмоқдалар.

**ИШИТАХАНИЗИ****ҚАЛАИ**

Агарда одам 75 йил яшаса у умри давомида ўртача 22 тонна овқат еб, 33 минг литр суюқлик ичаркан. Шу билан бирга ўзидан 18 минг литр тер чиқаради. Тирноғи 4 метргача ўсади.

**ЖАВЗО.** Ҳафта сиз кутгандек бошланади. Сешанбада сиз совға оласиз. Чоршанбада хушxabар бор. Пайшанба куни ҳиссиётларга берилманг. Жума меҳнатингизга яраша рағбатлантиришади. Шанба ва якшанбани оила даврасида ўтказганингиз маъқул.

**САРАТОН.** Душанба ва сешанба кунлари омадингиз юришиб, катта даромад эгаси бўласиз. Чоршанбада хушxabар эшитасиз. Пайшанба куни ҳамкорлар учрашуви. Жумада кайфиятингиз аъло. Шанба куни соғлигингизни эҳтиёт қилинг. Якшанба сирли учрашув.

**АСАД.** Душанба куни ўзингизни анча енгил ҳис қиласиз. Сешанбадан кўнгироқ кутинг. Чоршанба куни сизни сўроқлашади. Пайшанбада руҳингизни чўктирманг. Жумада кўпам асабийлашманг. Шанба куни ишлар о"кей. Якшанба ижод учун қулай кун.

**СУНБУЛА.** Ҳафта моддий тарафдан омадли бошланади. Сешанба куни алданиб қолманг. Чоршанбада дўстлар билан учрашасиз. Пайшанба самарали ижод учун қулай. Жума куни атрофдагилар билан хушмуомала бўлишга ҳаракат қилинг. Шанбада яқин кишингиз билан учрашасиз.

**МЕЗОН.** Ҳафта зиддиятлар билан бошланади. Сешанба ва чоршанбада ҳамкорлар билан тузилган битимлар ўз самарасини беради. Пайшанба куни яқин кишингиз билан дийдорлашасиз. Жумада кайфиятингиз о"кей. Дам олиш кунлари ўзингизга эътиборли бўлинг.

**АҚРАБ.** Душанбада тақдирланишингиз мумкин. Сешанба куни зиддиятлардан нари юринг. Харид учун чоршанба ва жумани танланг. Пайшанбада ҳаёт иқричқиларига аҳамият берманг, ҳаммаси уқинчи. Шанбадан кўнгироқ кутинг. Якшанбада яхши дам олинг.

**ҚАВС.** Душанбада асабийлашманг. Сешанба хайрли кун. Чоршанбада кайфиятингиз кўтарилади. Пайшанба куни сизни учрашувга таклиф қилишади. Жумада сизни сирли учрашув кутмоқда. Шанбада оилангиз билан яхши муомалада бўлинг.

**ЖАДЪЙ.** Душанбада кайфиятингиз айтарли яхши эмас. Сешанба куни ҳамкорлар билан учрашасиз. Чоршанба ишқий саргузаштларга бой. Пайшанбада ҳамнингиз тўлади. Жума харид учун қулай кун. Шанба ва якшанба кунлари кўнгили хордиқ чиқарасиз.

**ДАЛВ.** Душанба соғлигингизни эҳтиёт қилинг. Сешанба ва пайшанба кунлари кайфиятингиз аъло даражада. Чоршанба дил изҳори куни. Жумада зиддиятли вазиятларни босиқлик билан четлаб ўтишга ҳаракат қилинг. Шанба ва якшанбани яқин кишингиз билан табиат қўйида ўтказинг.

**ҲУТ.** Ҳафтани ҳамкорлар билан битим тузиш билан бошлайсиз. Сешанба ва чоршанбада кайфиятингиз ёмон. Пайшанба ва шанба кунлари ҳеч нарса сизнинг кайфиятингизни буза олмайди. Жумада сирли учрашув. Якшанбани танҳо ўтказинг.

**ИЧАКДАГИ ИЛОН**

Майамида юк машинаси ҳайдовчиларидан бири офтобруй утлоқда дам олаётиб, мизгиб қолди. Шу пайт кичикроқ илон ўрмалаб келиб, унинг очиқ турган оғзига кириб кетди. Илон ҳайдовчининг ичагига тушиб, яхшилаб жойлашиб олди.

Бечоранинг илонни қорнидан чиқариш учун қилмаган амали қолмади, бироқ ҳеч иложини қилолмади. Ахийри у кенияликларнинг қадимий усулини қўллашга мажбур бўлди. Ваннага йигирма литр қайнаган сутни қуйиб сунг унга утирди. Ярим соатна вақт ўтгач, қорнидаги илон ҳаракатланди, сунг иссиқ сутнинг ҳидини сезиб, ташқарига отилиб чиқди.

**ЭГИЗАКЛАР ҚИШЛОҒИ**

Ҳиндистондаги Бангалар шаҳри яқинида жойлашган қишлоқлардан бирининг аҳолиси худди бир ота-онанинг фарзандларидай ўхшаш экан. Айниқса, уларнинг 237 нафари худди икки томчи сувдай ўхшаш. Сабаби, қишлоқнинг тупроғида платина ва висмут ҳаддан зиёд кўп экан. Олимларнинг фикрига қараганда, кўп миқдордаги бундай моддалар ҳомиладор аёллар тўқималарига таъсир этаркан. Шу боис, тугиладиган болалар эгизаклардай бир-бирига жуда ўхшайди.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОЛ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир  
Гулнора ХОЛБЕКОВА

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61

Қабулхона — 136-56-54

Хатлар бўлими — 133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:

70003 Тошкент Мавбуотчилар кўчаси, 32-ўй

Тахририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаси назаридан фарқлангани мумкин.